

ЯПОНИЯДА ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУЛОҚОТИ ТАЖРИБАСИ

Абдуқодир Отабоев

сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада давлат ва фуқаролар мулоқоти институциноллашуви бўйича Япониянинг тарихий ривожланиш йўли қисқача ёритиб берилган.

Калит сўзлар: давлат, жамият, институциноллашув, демократлаштириш, ҳокимиятлар бўлиниши, легитимлик, давлат ҳокимияти, муниципал институтлар, сиёсий институтлар, сиёсий партиялар.

Аннотация: В этой статье кратко освещается исторический путь развития Японии в отношении институцинолизации диалога между государством и гражданином.

Ключевые слова: государство, общество, институцинолизация, демократизация, разделение властей, легитимность, государственная власть, муниципальные учреждения, политические институты, политические партии.

Abstract: In this article, Japan's historical development path regarding the institutionalization of state-citizen dialogue is briefly covered.

Key words: state, society, institutionalization, democratization, separation of powers, legitimacy, state power, municipal institutions, political institutions, political parties.

кунда биз эришаётган ютуқлар Ўзбекистон Республикасининг сифат жиҳатдан янги тараққиёт босқичига ўтаётганлиги ҳамда дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаганлиги билан белгиланади. Зеро, барча илғор мамлакатларнинг куч-қудрати ва нуфузи фуқароларига бўлган муносабат ҳамда фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт инъом этишдан иборат. Шунинг билан бир қаторда бу давлат ва жамият қурилиши, унинг ҳокимият органлари ва қолаверса, институциноллашув жараёнларининг муваффақиятли амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Президент Ш.Мирзиёевнинг узокни кўра билиши замонавий жаҳон андозалари ҳамда миллий давлатчилигимизга хос ва мос бўлган сиёсий институтлар, уларнинг тўлақонли фаолиятини таъминлашни ташкил қилишга қаратилган сиёсатини ҳам шу доирада қараш ва англаш лозим бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги халқимизга Мурожаатномасида таъкидланган “Демократик ислохотлар йўли – биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамиз,

хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз. Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Бу борада дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, давлатчилик тараққиётида юқори даражага эришиб, фуқаролик жамиятининг ривожланиши бўйича Япониянинг натижаларини таҳлил қилиш ривожланаётган давлатлар учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

Японияда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши 1946 йилги Конституцияда белгилаб қўйилган тамойилларга таянади. Унда конституциявий парламент монархияси белгиланган бўлиб, император “давлат ҳамда миллат бирлиги рамзи” деб эълон қилинган. Бироқ амалда император давлат сиёсати масалаларини мустақил ҳал қилишдан четлаштирилган (4-модда). Императорнинг давлат юмушлари билан боғлиқ барча ҳаракат Вазирлар Маҳкамаси билан бамаслаҳат ва унинг розилиги билан амалга оширилиши лозим (3-модда). Конституция императорга амалда фақат монархияларда одатда давлат бошлиғи амалга оширадиган айрим церемониал функциялар, чунончи: навбатдаги сессиянинг очилишида Парламентда нутқ сўзлаш, чет давлатларнинг элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилиш, расмий ҳужжатларни имзолашни қолдирган.

Конституцияда ҳукуматнинг Парламент олдида жамоавий жавобгарлиги принципи мустаҳкамланган. Агар Вакиллар палатаси ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳақида резолюция қабул қилса, у тўла таркибда истеъфо бериши лозим ёки император Вазирлар Маҳкамаси билан бамаслаҳат ва унинг розилиги билан Вакиллар палатасини тарқатиб юборади. Шунини таъкидлаш лозимки, Япониянинг ҳозирги ҳуқуқий тизими асосан 1867-1868 йиллардаги буржуа инқилоби билан бошланган ва XX асрнинг биринчи ўн йиллигида яқунланган “Мэйдзи” (“Маърифатли бошқарув”) даврида вужудга келган. Инқилоб натижасида қўйилган барча мақсадларга эришилмаган бўлса-да, ундан кейин ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий, шу жумладан, ҳуқуқий жабҳаларда муҳим ислоҳотлар амалга оширилди.

Японияда институционаллашув, сиёсий институтлар моделлари хусусида сўз борар экан, бир хусусийлик мавжудлигини эсда тутиш лозим. Уларда умумдавлат миқёсида вакиллик демократияси институтлари қаторида бевосита демократия институтлари ҳам мавжуд. Бироқ вакиллик демократиясининг юксак даражада ривожланган институти бўлган парламент сессиявий тартибда ишлаб, давлат ҳаётининг муҳим муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланса, бевосита

демократия институтлари – Конституцияга тузатишларни халқ томонидан (референдум шаклида) маъқуллаш институти ва фуқаролар томонидан норматив ҳужжатларни қабул қилиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақида аризалар бериш институти ё кам қўлланилади, ё умуман фаолият кўрсатмайди. Ижро этувчи ҳокимият соҳасида марказий бошқарув органлари ҳузуридаги ҳар хил маслаҳат қўмиталари ва кенгашлари сони кўпайиб бораётгани диққатга сазовордир. Маслаҳат қўмиталарида илмий давралар, ишбилармонлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этади [1]. Японияда муниципал институтлар сезиларли даражада ривожланган. Уларнинг мавжуд иерархиявий тизими икки бўғиндан иборат: юқори бўғинни префектуралар (улар тўрт тоифага бўлинади: “то”, “до”, “фу”, “кэн”), қуйи бўғинни – шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ жамоалари (“си”, “мати”, “мура”) ташкил этади [2].

Муниципалитетларга ўз ҳудуди доирасида бошқарувни амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Муниципалитетларнинг (муниципал мажлислар сиймосида) маҳаллий аҳамиятга молик мажбурий қарорлар (“дзерэй”) меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳужжатларда уларнинг қоидаларини бузганлик учун жиноий жазога тортиш назарда тутилиши ҳам мумкин. Белгилаб қўйилганки, парламент фақат бир муниципияга тегишли қонунни фақат унда яшайдиган аҳоли мутлақ кўпчилигининг розилиги билан (розилик референдум ўтказиш йўли билан аниқланади) қабул қилиши мумкин. Губернаторлар (префектуралардаги ижро этувчи ҳокимият раҳбарлари) ва мэрлар (муниципалитетлардаги қуйи бўғин ижро этувчи ҳокимият раҳбарлари) муниципалитетлар органлари сифатида қаралсада, бироқ уларга давлат органлари сифатида айрим функциялар марказий органлар томонидан берилган.

Агар Япониядаги бевосита демократияга хос институтлаштиришга келадиган бўлсак, унинг институтлари муниципал даражада умуммиллий даражадагидан кучлироқ ривожланганлигини таъкидлашга тўғри келади. Масалан, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан нафақат муниципал мажлисларнинг депутатлари, балки губернаторлар ва мэрлар ҳам сайланиши мумкин. Аҳоли депутатларни чақириб олиш, муниципал мажлисни тарқатиб юбориш, мажлис у ёки бу мажбурий қарор қабул қилиши, муниципал органлар молия-бюджет фаолиятининг тафтишини ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Япония фуқаролик жамиятида сиёсий партиялар ва бошқа ижтимоий-сиёсий бирлашмалар ва иттифоқлар, ҳеч шубҳасиз, муҳим рол ўйнайди. Умуман олганда, сиёсий партиялар ва нопартиявий ташкилотларнинг ҳозирги Японияда кўп сонлилиги ва ранг-баранглиги мавжуд Ғарб андозасидаги демократиянинг юксак даражасига мос келади.

Сиёсий тузилманинг бу қисмига қуйидагилар киради:

- сиёсий партиялар;

– етакчи тадбиркорлар бирлашмалари аппаратларининг “сиёсийлашган” бўлинмалари;

– касаба ва деҳқон уюшмалари ҳамда уларнинг умуммиллий марказлари;

– фуқароларнинг ҳаракатлари.

Бу ташкилотлар билан бир қаторда одамларнинг ҳар хил хусусиятларига кўра кўп сонли бирлашмалари мавжуд:

– хотин-қизлар ташкилотлари;

– ёшлар ва талабалар бирлашмалари;

– кичик ва ўрта тадбиркорлар уюшмалари;

– кооператорлар бирлашмалари;

– истеъмолчилар уюшмалари;

– фан, маданият ва санъат арбобларининг уюшмалари;

– оммавий ахборот воситалари ходимларининг бирлашмалари ва ҳ.к.

Ҳар хил мақсадлар бўйича бирлашмалар ҳам мавжуд:

– ёш авлодни тўғри тарбиялаш учун;

– атроф муҳитнинг тозалиги учун;

– соғлиқни муҳофаза қилиш учун;

– тинчликни ҳимоя қилиш учун;

– чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқаларни ривожлантириш учун;

– ядро урушига қарши;

– турар жой билан таъминлаш учун ва ш.к.

Сиёсий фаолият субъектларининг келтирилган мажмуида сиёсий партиялар, аввало Япония либерал-демократик партияси, тадбиркорларнинг бирлашмалари ва касаба уюшмалари марказлари алоҳида диққатга сазовор. Ҳозирги Япониянинг тадбиркорлар ташкилотларига Иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича кўмита (Кэйдзай доюкай), Иқтисодий ташкилотлар федерацияси (Кейданрэн), Япония тадбиркорлар ташкилотлари федерацияси (Никкэйрэн), Япония савдо-саноат палатаси (Ниссё) раҳбарлик қилади. “Кэйданрэн” асосан саноат тузилмаси молия тизими, солиққа тортиш, ташқи савдо ва ҳоказолар билан боғлиқ қонунчиликка фаол таъсир кўрсатади. Кэйданрэн бюджетга доир қонун лойиҳаларини тузишда айниқса муҳим рол ўйнайди [3]. Япония жамиятининг келгуси ривожланиши тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бу ерда жамиятнинг тадрижий ривожланиш жараёни жаҳондаги умумий ижтимоий юксалишга қараб мўлжал олса керак. Бу эса инсонпарварлик, демократия ва ижтимоий адолат ғояларини рўёбга чиқариш даражаси ҳозиргидан юксакроқ бўлган баркамол жамият сари кенг йўл очади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар ва давлат ўртасида ўзаро институционал мулоқот субъектлараро муносабатда ўзаро ҳамкорлик (келишув) мақсадини амалга оширишда яққол намоён бўлади. Ўзаро тушуниш, умумий манфаатларни аниқлаш ҳамда ижтимоий устуворликка молик аҳдномаларни аниқлаш жараёнида ноаниқ ҳолатларни ўзаро мувофиқлик ва келишув асосида ҳал қилиш усуллари, шакл ва воситалари, маълум бир мураккаб вазиятни тўғрилаш, сиёсий ва бошқарув қарорлари ва чора-тадбирларни ўзаро қўл келадиган даражада ишлаб чиқиш инструменти ҳисобланади. Шунингдек, қуйидагиларни хулоса сифатида таъкидлашимиз мумкин:

Биринчидан, фуқаролик институтларини ривожлантириш, мамлакатда барқарор ривожланиш ҳамда ислохотлар тадрижийлигини таъминлашда давлат ва жамият муносабатларининг институционаллашуви, яъни уларнинг сиёсий макон субъектига айланиши муҳим рол ўйнайди. Унга хос хусусиятлар ва муаммолар, амалга ошириш моделлари, шаклланиш жараёнлари тизимли ҳамда тадрижий жараён сифатида мураккаб кўринишга эга бўлиб, ҳар хил ижтимоий социомаданий вазиятда ранг-баранг шакл касб этади.

Икинчидан, ҳокимият давлат томонидан амалга оширилишида асосий вазифа қонунийлик ва тартибни сақлашдан иборат. Ҳуқуқ устувор бўлган сиёсат қонуний кучни таъминлашга хизмат қилади. Демократияга интилаётган давлатларнинг тажрибаси кўрсатишича, аҳолининг манфаат ва эҳтиёжларини ўрганишга қаратилган ва уларга таъсир этувчи демократик тамойилларнинг мустаҳкамланиши ижтимоий барқарорликни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этар экан.

Учинчидан, давлат ўз ваколатини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Бу эса мамлакатимиз раҳбариятининг узоқни кўра билиши натижасида жаҳон андозалари ва миллий давлатчилигимизга хос ва мос бўлган сиёсий институтларнинг фаолияти таъминланишида ўз ифодасини топмоқда.

Тўртинчидан, давлат ва жамият ҳамда уларнинг институтлари орасидаги механизмлар сиёсий макон/дискурсни ўзига хос хусусияти, табиати тарзида намоён бўлар экан. Зеро, барқарорлик ижтимоий ҳаракатлар институтлашуви жараёни ва уни амалга ошириш механизмига бевосита боғлиқ.

Бешинчидан, институтлашув жараёни жамият доирасида доимий алоқа ва муносабатларни таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳаётни ташкил қилувчи барқарор жараённинг бош белгиларидан биридир. Бу ижтимоий феноменни маълум бир норма ва қоидалар асосида ҳокимиятнинг турли поғоналарида ҳамда ташкилотнинг шу каби хусусиятини ифода этувчи, уни тартибланган жараён сифатида маълум бир тузилмалар асосида шакллантирилган ташкилотга айлантувчи узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир.

Олтинчидан, мамлакатимиз тараққиётида ХХІ асрнинг биринчи чораги охирларига тўғри келган батамом янги босқичида давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролар ўртасида йўлга қўйилган мулоқотнинг Президент Ш.М.Мирзиёвнинг халқимизга йил якуни бўйича очиқ Мурожатномалар йўллаши туфайли бевоситалик даражасига кўтарилиши халқимизнинг давлат ҳокимияти атрофида жипслашуви, ижтимоий институциялашувнинг батамом янги шакллари қарор топиш жараёнининг қамров қудрати янада ошишига олиб келди.

Адабиётлар:

- [1]. Вербицкий С.И. Япония на пороге ХХІ века. – М., 1998. – С. 12.
- [2]. Латышев И.А. Государственный строй – Япония наших дней. – М., 1999. – С. 27.
- [3]. Макаров А.А. Политическая власть в Японии (механизм функционирования на современном этапе). – М., 1998. – С. 43-44.